



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz


2007 йил 20 октябрь, № 208 (4361)

Шанба

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 18-19 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Туркменистонда бўлди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Туркменистонда давлат ташрифининг иккинчи куни мазкур мамлакатнинг биринчи Президенти Сапармурод Ниёзов мавзолейига ташриф буюрди. Узоқ йиллар давомида туркман элининг раҳбари бўлиб келган ушбу сиёсатчи Ўзбекистон-Туркменистон муносабатларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган. Хусусан, унинг Ўзбекистонга 2004 йил ноябрь ойидаги ташрифи асосида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган Дўстлик, ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартнома имзоланган эди.



Ислон Каримов Туркменистоннинг биринчи Президенти хотирасига ҳурмат бажо келтириб, унинг мақбараси пойига гул қўйди. Давлатимиз раҳбари Ашхобод марказида бунёд этилган Мустақиллик монументи пойига ҳам гул қўйди. Бу ердаги Фахрий меҳмонлар хибонасига кўчат ўтказди. Бу хайрли воқеа, шубҳасиз, Ўзбекистон-Туркменистон халқлари дўстлигининг яна бир белгиси бўлди. Мамлакатимиз раҳбари Сапармурод Туркманбоши номидаги Миллий маданият марказидаги Туркменистоннинг биринчи Президенти му-

зейини кўздан кечирди. Ислон Каримов Ашхободдаги От спорти мажмуи билан танишди. Туркман халқининг отга азалдан меҳри баланд. Мамлакат гербида ҳам от сурати акс эттирилган. Мажмуага ташриф асосида Туркменистон Президенти мамлакатимиз раҳбарига зотдор от совға қилди. Бу Туркменистон раҳбарияти ва халқининг Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовга, ўзбек халқига бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромининг амалий ифодасидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухам-

медов Ватанимизнинг "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланди. — Гурбангули Бердимухаммедов икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга, халқларимизнинг дўстлик ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун шундай мукофотга сазовор бўлди, — деди Ислон Каримов. Ашхобод саммитида Ўзбекистон ва Туркменистоннинг, мам-




янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги давлатлараро шартнома имзоланди. Бу ҳужжатлар Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини сифат жиҳатдан янги bosқичга кўтаришга хизмат қилади. Бинобарин, икки мамлакат Президентларининг самимиятини, бир-бирига юксак ҳурмат ва ишончини намойиш этган ушбу ташриф ҳар жиҳатдан самарали бўлди, дейиш учун барча асослар бор. Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Туркменистонга давлат ташрифи ниҳоясига етди.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА махсус мухбири. Тошкент — Ашхобод — Тошкент. Абдувоҳид ТўРАЕВ олган суратлар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасида "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг асосий жиҳатлари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.



ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ВА ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ

Республика Давлат мулк қўмитаси ва Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда қимматли қоғозлар соҳасига доир қонунчилик мезърлари такомиллаштирилаётгани алоҳида қайд этилди.

Анжуманда таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳаси мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Негаки, мазкур ҳужжат ўзда амалдаги тўртта қонун, яъни "Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида"ги, "Қим-

матли қоғозлар бозори фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида"ги ҳамда "Қимматли қоғозлар бозорида инвесторлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунларни бириктириб, соҳадаги ишларни янада мукамал bosқичга олиб чиқиши назарда тутилмоқда. Янги қонун лойиҳасида илгари чиқарилган корпоратив қимматли қоғозларни нақдсиз шаклга ўтказиш, соҳада профессионал фаолият турларини қўшиб олиб боришга бўлган

К. ХИДИРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНАДИ

Кеча пойтахтимизда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон қўмиталарининг тўққизинчи қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг энергетика, банк-молия, транспорт, сайёҳлик, қишлоқ ҳўжалиги, машинасозлик, тўқимачилик каби соҳаларида фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этишди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон — Япония қўмитаси раисининг ўринбосари Элёр Ғаниев Япония мамлакатимизнинг муҳим ҳамкорларидан эканини таъкидлади. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани ва бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида қайд этилди.

Тадбир

Узоқ ҳамкорлик алоқалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2002 йил июль ойида Японияга расмий ташрифи чоғида мамлакатларимиз ўртасида имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнотта мос равишда ривожла-

ниб бормоқда. Турли мақомдаги делегацияларнинг ташрифлари мунтазам амалга оширилиб, қўллаб-қувватлаш, кўргазма, семинар ва форумлар ташкил этилмоқда. Мамлакатимизда Япония билан ҳамкорликда очилган тўққизта қўшма корхона фаолият кўрсатаётди. Қўшма корхоналарнинг (JICA) ва Ташқи савдо ташкилотининг (JETRO), "Мицуй энд Ко. Лтд.", "Мицубиси", "Сумимото", "Нисе Ивато", "Иточү", "Тойота Тошю" каби йигирмадан зиёд йирик корпорациясининг ваколатхоналари очилган. Япония сармояси иштирокида мамлакатимизда ўндан ортқ йирик

(Давоми 2-бетда.)

ИСТЕЪДОДЛАР — САҲНАДА

Пойтахтимизда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Камолот" ёшлар иқтисодий ҳаракати ташаббуси билан ташкил этилган "Янги авлод — 2007" Республика болалар бадий ижодиёти фестивалининг Тошкент шаҳар фестивалининг ўтказилди. Юртимизда болаларнинг энг ёрқин ижодий лойиҳаларини намойиш қилиш, истеъдод эгаларини аниқлаш, уларнинг ўз қобилиятини намоён этишига яқиндан қўллаб-қувватлашда мазкур фестивалнинг ўрни катта

«Янги авлод — 2007»

бўлмоқда. 2004 йилдан бунёд этилган келинаётган ушбу фестивал мамлакатимиз ўғил-қизларига тобора катта қизиқиш уйғотмоқда. Пойтахтлик иқтидор соҳиблари танловнинг мамлакатимиз бўйича ўтган саралаш bosқичини якунлашди. Улар мум-

тоз ва миллий чолғу асбоблари, хонандлик, ракс, амалий ва таъсирли санъат, шеърят, наsr ва саҳна асарлари каби йўналишларда истеъдодларини кўриқдан ўтказди. Саралаш bosқичида муваффақиятли қатнашган ёшлар фестивалнинг якуни — республика bosқичида иштирок этиш имконига эга бўлдилар. Назоқат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

ИСТАГАНГА ИШ БОР


Андижонлик ишбилармонлар Жанубий Кореянинг "Ап-Спиннинг" компанияси билан ҳамкорликда Избосқанда ип-йигирув фабрикасини ташкил этиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишган эди.

400 нафардан зиёд қишлоқ ёшларини ўз бағрига олган ушбу корхонада иш ҳажми янада кенгайтирилган бўлди. Калава илга нисбатан талабнинг ортиб бориши ишлаб чиқариш қўламини кенгайтиришни тақозо этди. Бу билан яна 50 нафар хотин-қиз муқим иш жойларига эга бўлишди.

Айни пайтда мавжуд имкониятлардан фойдаланилган ҳолда корхонанинг иккинчи навбатини ҳам барпо этиш режалаштирилган.

О. ШОДНОАЛИЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Ҳозирги кунда ОИТС (СПИД) касаллиги жаҳон ҳамжамияти эътиборида турган ва ўз ечимини топиши лозим бўлган долзарб масалалардан бири саналади.



ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Кунини кеча пойтахтимиздаги "Дедеман" меҳмонхонасининг мажлислар залида "Республикада ОИТС (СПИД) хасталиги профилактикасини янада такомиллаштириш ва уни жаҳон талаблари даражасига етказиш, бу борада давлат ва нодавлат ташкилотларининг роли ҳамда 2008 йилга мўлжалланган чора-тадбирлари" мавзусида бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари иккинчи халқаро форумида ҳам ана шу ҳақда гап борди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ф. Назиров инсон манфаатларини муҳофазалаш, ОИТС, гиёҳвандлик сингари салбий иллатларга қарши курашиш, келажақ авлодларга соғлом муҳит ва фаровон жамиятни етказиш давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан эканини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан жамиятнинг барча жаҳалари, жумладан, тиббиёт тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнида бу борадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга катта эътибор қаратилаётди.

Канада, Англия, Швейцария, АҚШ, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби бир қатор давлатлар вакиллари, донор ва халқаро ташкилотларнинг мутахассислари иштирок этган анжуманда қўн тартибидagi масалаларга оид маърузалар тингланди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

«ТИЛ, МАЪНАВИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТ»

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси А. Орипов, тилшунос олим Э. Бегматов ва бошқалар она тилимизнинг чексиз имкониятлари, унинг тараққиёт bosқичи ҳамда ўзбек тили ва ҳозирги замон шеърлиги масалаларига тўхталишди. Тадбирда, шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Давлат тили ҳақида"

ги Қонун ва унинг ижроси хусусида сўз борди. Тилимизнинг бебаҳо имкониятларидан оқилона фойдаланишга барча бирдек масъул бўлиши лозимлиги таъкидланди. Тадбир баҳсу мунозара, савол-жавоб тарзида давом этиб, куй-қўшиқ, шеърхонликка улашиб кетди. Ж. МАҚСУДОВ.

ҲАМ ҚУВВАТНИ ОШИРАДИ, ҲАМ ЁНИЛҒИНИ ТЕЖАЙДИ

"Автотракт" илмий-ишлаб чиқариш маркази мутахассислари Тошкент трактор заводи ва Россиядаги "ЗИЛ" автомобиль корхонаси муҳандис-конструкторлари билан ҳамкорликда иш юритиб, ўзига хос янгилик яратдилар.


Аникрофи, бензин билан юрадиган юк автомобилларига дизель ёнилғини ҳисобига ишлайдиган двигателлар ўрнатишни ўзлаштирдилар. Бу моторлар машиналар қувватини бирмунча оширади. Шунингдек, ҳар юз километр масофани босиб ўтиш учун 17 литр атрафида солярка "ейди".

Айни кезларда "автотракт"чилар мижозлар талаб-хоҳишини ҳисобга олиб, Тошкент вилоятининг турли шаҳар ва туманларида мотор алмаштириш шохобчалари барпо этилмоқдалар.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбекистон тарихи давлат музейида Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигига 18 йил тўлиши муносабати билан бўлиб ўтган маънавий-маърифий тадбир шундай номланди. Йигилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда олимлар, ўқитувчилар, олий ўқув юр்தларининг талабалари иштирок этишди.

Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида мамлакатимизда инвестициялар ҳажми 31,3 фоизга ўсди. Қўлай инвестиция муҳити ва инвестицияларни жалб этиш учун шарт-шароитларнинг яратилиши шундай ўсишни таъминлади. Натижанда бир қатор янги йирик саноат корхоналари, «Тошгузар — Бойсон — Қумқўрғон» темир йўл линияси, «Зеварда» қонидо босимли компрессор станцияси ва бошқа объектлар фойдаланишга топширилди.



«Claas» техникалари Хоразмда

Урганч шаҳрида Германиянинг қишлоқ ҳўжалик техникалари ишлаб чиқарадиган машҳур «Claas» компанияси техникалари кўргазмаси очилди.

Кўргазмада компания вакиллари фермерларни турли янги туркумдаги дон комбайнлари, транспорт техникалари, мақка-жўхори жатқалари, шолчи урадиган асбоб-ускуналар йиғимми, гидравлик дискли ўт урадиган мосламалар. «Атлес-936» ва «Арес-697» русумли янги тракторлар билан таништирдилар.

«Claas» компанияси қишлоқ ҳўжалик техникалари, биринчи навбатда, дон комбайнлари ишлаб чиқарадиган, жаҳондаги етакчи корхоналардан бири ҳисобланади. Ҳозирда унинг Ўзбекистонда 700 та, Хоразм вилоятида эса 65 та дон урадиган комбайнлари ишлаб турибди. Кўргазмада иштирок этган мутахассислар ва фермерлар тадбирда намоён бўлган «Меддиан», «Мега», «Доминатор» каби дон комбайнлари энг унумли ва бизнинг шароитимизга мос эканлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Тадбирда компания билан янги техникалар сотиб олиш бўйича шартномалар имзоланмоқда.

Ойбек РАҲИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Карачида хунрезлик

Покстоннинг Карачи шаҳрида содир этилган қўриқилган портлаш оқибатида кўрбон бўлганлари 145 кишига етди, деб хабар беради Ҳиндистоннинг «Саҳара Самай» телеканали. Жароҳатланганлари 600 кишини ташкил этмоқда.

Эслатиб ўтамиз, ушбу портлаш мамлакат собиқ бош вазир Беназир Бхуттонинг саккиз йиллик ижтимоий қўриқилишидан сўнг Покстонга қайтиши муносабати билан амалга оширилди. Шу куни собиқ бош вазирнинг кўриқилиши маҳаббатидан мўнғал аҳоли кўчага чиққан эди. Бхутто машинасида кетаётганда, икки марта қўриқилган рўй берди. Бу суиқасд Бхуттога ҳеч қандай жароҳат етказмади.

«РИА Новости» ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, портлашни икки нафар каммақда амалга оширган. Улардан бири ҳарбий кийимда бўлган.


Доллар инқирози

Айни пайтда жаҳоннинг етакчи валюталари орасида доллар курси тобора тушиб бормоқда.

Сўнги саккиз йил мобайнида бир евро қиймати илк бора 1,43 долларга тенг келди. Айтиш жоизки, евро муомалага киритилган пайтда, унинг қиймати доллар билан тенг эди. Мутахассисларнинг фикрича, яқин вақт ичида евро рекорд кўрсаткичга, яъни 1,5 долларга тенг келиши мумкин.

Доллар курсининг бундан аввалги тушиши АҚШда кўчмас мулкка салбий таъсир кўрсатган эди. АҚШ Савдо вазирлигининг маълумотларига кўра, сентябрь ойида мамлакатдаги бунёдкорлик ишлари сўнги 14 йилда биринчи мартаба 10 фоизга тушиб кетган.

Қирғоқдаги фалокат



лий радиоларидан бири.

Расмий маълумотларга қараганда, кемада жами 151 нафар йўловчи бўлган. Уларнинг 125 нафари кутқариб қолинди. Қўлай об-ҳаво кузатишлари боис, кутқарув ишлари муваффақиятли амалга оширилди.

Эслатиб ўтамиз, кемада Индонезияда асосий транспорт воситаси саналади.

Индонезия қирғоқларида йўловчиларни ташувчи кема ҳалокатга учради. Оқибатда, 29 киши ҳаётдан кўз юмган, дея хабар беради мамлакат маҳал-

Ойдинлик киритилади

Япония Мудофаа вазирлиги АҚШ ҳарбийлари Ироқдаги операциялар чоғида кунчиқар мамлакат ёнидаги ҳалокатга учраган ҳаётдаги айбланганликда айбланмоқда.



Бу ҳақда Токиода ўтказилган матбуот анжуманида маҳкама бош котиби Нобута Матимура маълум қилди. «Ҳозирча бу ҳолатга ойдинлик киритилмоқда», деди у.

Япония 2001 йилнинг декабридан буён «Толибон» ҳаракатига қарши курашмоқда. Шу боис, Афғонистон ҳудудида ёниги маҳсулотини етказиб бераётган эди.

Саммит иш бошлади

Кеча Португалия пойтахтида Европа Иттифоқи аъзо мамлакатлар раҳбарларининг саммити ўз ишини бошлади.



Унда янги конституцияни жорий этиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Жаҳон ахборот агентли-

лари тарқатган хабарларга кўра, янги қонуннинг қўриқилишига бир қанча бахтли ҳолатлар ўз таъсирини кўрсатмоқда. Масалан, Европарламентда Италия депутатлари сонининг қисқартирилиши норозиликларнинг асосий сабабчиси бўлапти.

Янги конституция келишув жорий йилнинг 13 декабрида тасдиқланиши тахмин қилинмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

“Йил аёли”

Республика “Аёллар кенгаши” жамоат бирлиги маъноси томонидан ташкил этилган “Йил аёли” кўрик-танловининг Наманган вилояти

ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

саралаш босқичида 260 дан зиёд аёл голибликка даъвогарлик қилди. Танловнинг барча шартларини муваффақиятли баҳарган Чортоқ туманидаги 53-ихтисослаштирилган мактаб она тили ва адабиёти ўқитувчиси, тadbirkor аёл Ерқиной Исоқова биринчи ўринга лойик, деб топилди.

Ш. ОРТИҚОВ, “Халқ сўзи” мухбири.

ЖУРНАЛИСТЛАР СТАДИОНДА УЧРАШАДИЛАР

Маълумки, бундан икки йил муқаддам ўзбек футболининг фидойиларидан бири Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб, оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида мини-футбол турнирига асос солинган.

Бу йил маъзур аънава давом этирилмоқда. Жорий йилнинг 22-28 октябрь кунлари пойтахтимиздаги “Жар” спорт соғломлаштириш мажмуасида “Спорт” ва “Ўзбекистон футбол” газеталари соврини учун ўтказилган навбатдаги хотира турнирида газета, телевидение, радиода фаолият кўрсатадиган ижодкорлар ҳамда ЎзДЖТУ профессор-ўқитувчилардан тuzилган 18 та жамоа иштирок этади.

Таъкидланганидек, хотира турнирини ўтказишдан қўзланган асосий мақсад ялпавлик Олимжон Акбаров каби ўзбек футбол фидойилари хотирасини ёд этиш

билан бирга, журналистлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан иборат. Турнир ташкилий қўмитаси аъзоси, “Спорт” ва “Ўзбеки-

тон футбол” газеталари бош муҳаррири ўринбосари Ойбек Юнусовнинг таъбири билан айтганда, мақола, кўрсатув ва

Спорт

эшиттиришларида спортнинг саломатлик гарови эканлигини доимо тарғиб этадиган журналистлар энди бундан қўзланган ҳолда бахсларда иштирок этадиган бўлиши.

Уйинлар 22 октябрь кунлари бошланади. Гуруҳда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган иккитадан жамоа чорак финалга йўл олади.

бу йилги мусобақалар Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тақвим режасига киритилган.

Кеча Ўзбекистон футбол федерацияси мажлислар залида аънаванов Олимжон Акбаров хотира турнирига қўрға ташлаш маросими бўлди. Унга қўрға, жамоалар тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда бахсларда иштирок этадиган бўлиши.

Уйинлар 22 октябрь кунлари бошланади. Гуруҳда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган иккитадан жамоа чорак финалга йўл олади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, “Халқ сўзи” мухбири.

O'ZSANOATQURILISHBANK

Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармони талаблари ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзсаноатқури-лишбанк»нинг Навоий вилояти минтақавий филиали томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бундан ёшлар беҳад мамнун.

Баҳодир Раббимов Навоий кон-металлургия комбинатида ишчи. Умр йўлдоши Ойша Тўхманова эса Қизилча қишлоғида ўқитувчилик қилади. Уларнинг икки фарзанди бор.

Баҳодир Раббимов янги уй олиш учун унинг қийматининг 25 фоизини «Кафолат плюс» омонат ҳисоб рақамига жойлаштириб, ҳужжатлар йўғма жилдини кредит комиссиясига тақдим этди. Бу иш бор-йўғи икки кун муддатда ўрганиб чиқилиб, кредит шартномаси расмийлаштирилди.

ЁШ ОИЛАЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Шу йилнинг 31 августидан эса Баҳодир Навоий шаҳридан 2 хонали тураржой биносини 18 миллион сўмга харид қилди. Банк томонидан берилган ипотека кредити уй сотувчисининг депозит ҳисоб рақамига кўчириб берилди.

— Бу кунни орзиқиб кутгандик, — дейди уй бекаси Ойшахон қувончини яширолмай. — Қарангки, мамлакатимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги тантаналарида шахсий уйимизда меҳмон кутдик. Янги уй ёш оиламизга бахт эшигини очди. Давлатимиз раҳбарининг биз, ёшларга қўрғатаётган ғамхўрлигидан миннатдоримиз.

Фўқаро Улуғбек Пўлатов янги оила қургандан бери ижарада яшаб келарди. 22 миллион 500 минг сўмга икки хонали тураржой биносини харид қилиш учун унга ипотека кредити зарур эди. Шу мақсадда уй-жой қийматининг 25 фоизини омонат ҳисоб рақамига қўйиб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, 27 августда банкка тақдим қилди. Натижанда, бор-йўғи 4 кун ичида ипотека кредити орқали уй-жой сотиб олишга муваффақ бўлди.

— Ёш оилаларга бундай им-

кониятнинг яратилиши уларнинг Ватанга нисбатан муҳаббатини ошириб юборди, — дейди у. — Бу эса бизни мамлакатимиз рақиб йўлида тинмай меҳнат қилишга ундайди.

Фармон ижросини тўла-тўқис таъминлашга банк кредит комиссияси биринчи галдаги масала сифатида қарамоқда. Ху-

дин Одиловни сўхбатга тортдик. — Мамлакатимизда фўқароларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш бора-сида изчил сиёсат олиб борилапти, — дейди у. — Президентимизнинг Фармони бунинг яна бир тасдиғи бўлди. Бу ҳужжат, биринчидан, аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжла-



сусан, ипотека ва истеъмоқ кредитлари бўйича бўлимда 3 нафар ходим ишлаб турибди. Филиалда «Ишонч телефонлари» ўрнатилган.

Банк минтақавий филиали кредит бўлими бошлиғи Жамолид-

рига хизмат қилса, иккинчи томондан, республика ички бозоридан ишлаб чиқарувчи кучларни қўллаб-қувватлайди.

Аҳолини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида филиалда мебель, электр техникаси, компьютер ва бошқа товарларни харид қилиш учун «Кафолат плюс» омонатига маҳсулот қийматининг 30 фоизини қўйиш шarti билан истеъмоқ кредитлари ажратилмоқда.

Бу истеъмоқ кредитлари йиллик II фоиз имтиёзли устама билан берилапти. Мебель ва маиший техника каби истеъмоқ товарлари учун эса ушбу кредитнинг юқори миқдори энг кам иш ҳақининг 400 бараваридан белгиланган.

«Ўзсаноатқурилишбанк»да белгиланган тартибга кўра, фўқаролар томонидан кредит таъминотида икки нафар жисмоний



Фармон ва ижро

нинг яна бир банди бўйича ногирон болалар ўртасида «Мафтункор ранглар дунёси» ижодий танлови ташкил этилди. Жисмоний нуқсонли боис тенгдошлари орасида қисиниб-қимтиниб юрган бу болаларнинг орасида истеъоддиллари кўп экан. 72 нафар қатнашчи ясаган рўзгор буюмлари, уйинчоқлар, чизган суратлар билан каттагина кўрғазма ташкил этилганда, улар сотилиб, маблағига ижодкор болалар

шади, уй-жойларини сутуриб-сидири-шади, зарурат туғилганда, дори-дармон олиб келиб беришди. Кейинги пайтларда алоҳида эътиборга олинган ёшларга ҳошимларнинг ёрдами билан ташкил қилди. Уларнинг 8 миллион сўмдан ортиқ миқдорда кўрсатган берадаси молдиди қўмағи билан бир қанча хонадонлар обод бўлди, ўқис қўнғилларга нур инди.

Уйчи тумани ижтимоий таъминот бўлимида сўнги пайтда иш янада тиғизлашди. Мутахассислар юқоридagi дастур ижросини бушаширмаган ҳолда, пенсияларни қайта кўриб чиқилди. Президентнинг «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни қўчатириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармони асосида амалга оширилган ва тадбирдан сўнг 27 кишининг пенсиялари миқдори сезиларли даражада кўпайди. Фўқаролар маъзур юмушини мамлакатимизда амалга оширилаётган қўчи ижтимоий сиёсатининг муҳим босқичи, дея баҳоламоқдалар.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳуқуқ

Бухоро туманидаги «Янги турмуш» қишлоқ фўқаролар йиғини ҳудудда яшовчи М. Жўраева харид қилган «LG» русумли телевизорнинг кафолат муддати тугамай, носоз эканлиги сезилиб қолади.

ХАРИДОР ҲИМОЯСИЗ ЭМАС

Табиийки, харидор сотувчи — хусусий тadbirkor Раъно Истамовага мурожаат этади. Бухоро шаҳридаги «Дилқушо» ҳиссадорлик жамияти ҳудудида савдо-сотик қилувчи Р. Истамова харидорга рад жавоби бергач, М. Жўраева бизга, Монополидан чиқариш, рақобат ва тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш вилоят ҳудудий бошқармасига мурожаат қилади.

Биз вазиятни ўрганиб чиқиб, хусусий тadbirkor Раъно Истамовага истеъмоқчининг ҳақ эканлигини қонун доирасида тушунтирдик. Натижанда, истеъмоқчи носоз телевизорни янчисига алмаштириб олди. Бухоро шаҳри, А. Сомий кўчасида яшовчи Ш. Нурмухаммедов ҳам шундай муаммага дуч келди. У «Дилқушо» ҳиссадорлик жамияти ҳудудидаги 335-сонли дўкандан телевизор сотиб олган, бироқ махсулот яроқсиз чиққан. Ходимларимиз аралашуви туфайли истеъмоқчининг ҳақ-хуқуқи тикланиб, унга телевизор учун сарфлаган 120 минг сўм пули қайтарилди.

Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шоҳқўчаси, 17-уй, 46-хонадонда истиқомат қилувчи М. Ғуломова 720 минг сўмга компьютер сотиб олди-ю, кейин унинг яроқсиз эканлигини билгач, «Амис-плюс» фирмаси «Дўкони сотувчиларга мурожаат қилди. Аммо унинг компьютерни бошқаси билан алмаштириб бериш ҳақидаги илтимоси инобатга олинмади. Бошқарма аралашуви билан компьютер сифатлиги алмаштириб берилди.


Жорий йилнинг ўтган даврида бизга фўқаролардан ўз ҳақ-хуқуқларини тиклашни сўраб 57 та ариза тушди. Уларнинг кўпи коммунал, транспорт, савдо ва умумий овқатланиш хизмати тааллуқлидир. Истеъмоқчиларга жами икки миллион 287 минг сўмлик маблағ қайтарилди.

Илҳом ҚИЛИЧЕВ, Монополидан чиқариш, рақобат ва тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш вилоят ҳудудий бошқармаси бўлими бошлиғи.

«Буюк Ипак йўли» АЖ тугатиш бошқаруви

томонидан 2007 йил 8 октябрдаги №1/246-сонли хатига асосан тақдим этилган, «Буюк Ипак йўли» АЖнинг мол-мулки бошланғич қиймати 1 923 750 000 (бир миллиард тўққиз юз йигирма уч миллион етти юз эллик минг) сўм қийматида мулкий мажмуа сифатида «УБА Универсал биржа маркази» электрон биржа савдоларига 126-тартиб рақами, №16756-лот билан сотувга чиқарилди.

Электрон биржа савдолари ҳафтанинг душанба, шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 15.00 гача давом этади.



«Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган кун

ҲАР СЎЗИ ДУРДОНА

Мустиқиллигимиз ҳада этган ва бугунги кунда ажойиб аънамага айланган ўзбек тили байрамини биз ҳар йили катта хурсандчилик билан қутиб оламиз. Дунёда ранг-баранг тиллар мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўзига хос салоҳияти, сўз бойлиги, ифода воситаларининг хилма-хиллиги билан ўзлари мансуб бўлган халққа хизмат қилади.

Тиллар — инсониятнинг умумий бойлиги. Ана шу кўркам, сўнгсиз олам ичра ўзбек тили...

лардаги тафаккур салтанати ҳам ўзбек тили буюклигини намоён этадиган бебаҳо, ўлмас, абадий бойликлардир.

Тилимиз бойлигини кўрсатадиган қуйидаги мисолга эътибор беринг. Биттагина «шамол» деган сўзнинг маъносини, унинг турли-хил шакл ҳолатини неча хил товланишда, яъни шамол, ел, насим, эпкин, сабо, бурон, аёз, изғирин, буюк, гармсел, гирдибод, довул, самум, уорма, куюн, шаб-бода, тўфон каби кўринишларда акс этти- ра оладиган бой, қудратли тилимизга ёки бир сўз билан ўн хил маънони ифода эта оладиган буюк тилимизга чин дилдан тасаннолар айтаемиз. Ёхуд «Туюк» деган гўзал шеърини шаклини, халқимизнинг севимли ижодиёти бўлган аскияни олиб кўринг. Фақат ўзбек тилига бундай сўз уйинларига қодир.


Биз ўзбек адаблари, журналистлари тилимизнинг шундай имкониятларидан хамиша ҳам муносиб даражада фойдаланая- лмишимиз? - деб ўз-ўзимизга савол берсак, ҳали қилинадиган ишлар кўплигини ҳис этамиз. Ҳали-ҳамон матбуотда, радио, те- левидение эшиттириши ва кўрсатувларида «Бу борада қандай ишлар қилинди?» деган тўтмақ саволу «бу борада бундай иш- лар қилдик» деган чўчмак жавобни эшита- миз. Ёки тақлифномаларда «лутфан тақлиф этамиз» дейилади. Демак, қақрилувчига нисбатан марҳамат қилинаётми! Ёки «хона- донингизга ташриф буюрдик», дейилади. Демак, ўз келишлари билан хонадонга гўё шараф бахш этишмоқда ва ҳоказо. Бу ибор- раларнинг нимаси ёқимсиз? Уларда минат- тан оҳанги бор. Ҳолбуки, ҳурмат-эҳтиром беиминатлиги билан гўзал ва эзгудир. Ти- лимиз бойликларидан қанча унумли ва ўринли фойдалансак, бу каби сийқа, гадир- будир, ясама иборалардан қанча тең кул- тасак, маданият ривожимизга шунча манфа- ат етажак. Яна тилимиз салмоғи, бугунги ижодқорлар яратган гўзаллик- лар ҳам, «Бобурнома»дай асар-

бир уммонга қиёсласак, унинг ҳудудсиз оғушида қудратли туркий ўзақдан ташка- ри, яна қанчадан-қанча арабий, форсий ва бошқа тилларга оид сўзлар иборалар ҳам яйраб-яйраб ўрин топгандир.

Тил — халқнинг, миллатнинг қалби ва онги. У тарих ва маданият сарҳашмаси. У инсон камолнинг бош мезони. Борлиги- мизни ўзида мўжассам этган сеҳрли олам.

Биздан халғга толасан, киши: нонсиз, сув- сиз, чироқсиз... ёки туз тотинмай яшаб бўлмаслиги аниқ. Лекин барчасига ҳам чи- дас бўлади. Аммо тилсиз қолишни... Худо кўрсатмасин!

Ўзбек тилимизнинг бойлигини яқлит ҳолда тасаввур этиш учун Алишер Навоий асарлари дунёсига бир назар ташлашимиз ўзи кифоя. Қандай бепоён та- факкур ва туйғулар оламига шўнғийсиз. Бу оламда буткул қоинот акс этади. Бу хазина- дан бебаҳра қолиш мумкин эмас. Алишер Навоийнинг ўзла- ри ҳам «Муҳокамат ул-луға- тайн» асарига ўзбек тили фа- зилатларини аниқ мисоллар асосида ибтилоб берганлар. Мумтоз адабиётимиз вақилла- рининг халқ достонлари — «Ал- помийш», «Гурўғли» туркумида- ги асарларнинг таърифиға сиг- мас бой тили, шунингдек Аб- дулла Қодирий, Чўлпон, Ой- бек, Гафур Ғуллом ва бошқа ижодқорлар яратган гўзаллик- лар ҳам, «Бобурнома»дай асар-



мур, Мирзо Улуғбек, Абдураҳ- мон Жомий, Алишер Навоий, Захриддин Мухаммад Бобур каби улғу ватандошларимиз- нинг исм-шарифларини А. Те- мур, М. Улуғбек, А. Жомий, А. Навоий, З. М. Бобур деб қисқартириб ёзишларга дуч келамиз.

Энг кўп учрайдиган хато- ликлар, юқорида таъкидлагани- миздек, кўчадаги ёзувлар, пешлавҳалар, реклама ва эълонлар, ахборот материал- лари ва безакларда «Ғ», «к», «Ғ», «к» ҳарфлари ўрнида «У», «к», «г», «х» ҳарфларининг ишлатилишидир. Натижада «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак» деган чиройли даяват «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак» шак- лида кулгили хатога айлан- моқда. Шунингдек, лотин ёзу- видаги shaxar, maxsulot, dehqon, maxalla, maxalliy,

сиз ва ҳеч ким тушунмайдиган номлар ва сўзларнинг ёзилиши, уларнинг жароҳатлар ва устулларга нўрнин жойлашти- ририлиши, шаҳардаги транс- порт воситаларида йўналишлар ва манзилларни ёзишда- ги хатоликлар, ёзувлардаги айрим ҳарфларнинг тушиб қолиши кўп учрамоқда.

Шу ўринда улғу адабимиз Абдулла Қаҳҳорнинг ўзбек тили ҳақида билдирган фикр- ларини келтириб ўтишни жоиз деб билдик: «Жуда бой, чиройли тилимиз бор. Бу тилда ифода этиб бўлмайдиган фикр, туйғу, холат йўқ! ... Нима учун тилимизнинг қону- қондилари бузилаётди? Нима учун кўча ҳаракати қирдасини бузган кишига ми- лция хуштак чақалди-ю, бутун бир тили бузаётган одамлар- га ҳеч ким хуштак чал- майди?..»

Зеро, миллий гурур ва маънавий қадриятларимизни тиклаш ва юксалтириш, тил истиқболи ҳақида қайғуриш, юқорида таъкидланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш ҳар биримизнинг бурчимиз ва вазифамиздир.

Насимжон АЛИМОВ, Олий Махлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.

Халқимизда «Тилга эътибор — элга эътибор» деб бежиз айтилмайди. Чунки тил — халқнинг буюк маънавий мулки, унда миллатнинг ўзига хослиги, асрий тарихи, маданияти ва урф-одатлари мўжассамланади ва сақланади. Шунинг учун ҳам тил ҳақида гамхўрлик қилиш табиий, у жамиятнинг маънавий соғлом бўлиши шартларидан биридир. Президентимиз Ислам Каримов айтганларидек, «Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин жипслаштиради».

Тил — миллатни таърифлайдиган маънавий асос, унинг муҳим белгиси, узвий ва ажралмас бир бўлаги. Шунингдек, буюк қадриятдир.

МИЛЛАТ КЎЗГҮСИ

Миллий тикланиш, маданияти ривожлантиришга табиий интилиш, биринчи навбатда, миллий тилнинг тикланишига пойдевор қўяди. Тил — халқнинг жони, миллатнинг фаҳри, гурури ва кўри. Тарихий тажрибалар шу ҳақиқатни исботлагани, ҳар қандай миллий тилнинг умрбоқийлиги унинг халқ учун бажарадиган вазифаларига, ўша миллатнинг мафқурасига, тафаккур даражасига, халқнинг тилга бўлган эътиқоди ва эътиборига боғлиқ.

Инсон тили — нодир ҳодиса. Тил ахборот олиш, узатиш ҳамда сақлашнинг ўзига хос кўроли бўлиб, у инсон хатти-ҳаракатини бошқариб туради.

Тил — миллатнинг муҳим рамзи, бойлиги ва кўзгуси. Унда урф-одатлар мўжассамдир. Шунга қўра, миллий давлатчилигига эга ҳар бир халқ конституциявий — ҳуқуқий даражада ўз миллий тилнинг ривожланиши тўғрисида қай- гуришга ҳақли ва масъул.

Маънавият камол топиши учун тил ривожланиши лозим. Миллат мавжудлигининг асосий белгиларидан бири худуд бўлса, иккинчиси, шубҳасиз, ягона тил борлиғидир. Тил инсон тафаккури билан боғлиқ, шу боисдан ҳам у бизнинг тафаккуримизни ифода этади. Унинг шарофати ила биз борлиқни ифодалаймиз, ўз билимларимизни мустаҳкамлай- миз. Она тили билим олиш, меҳнат қилиш жараёнига хиз- мат қилади, инсонга маданий- ахлоқий таъсир этиб, шу йўл билан инсон турмуш тарзи ва маданиятининг шаклланишига ёрдам беради. Ҳар қандай инсон болалиқдан она тили ёрдамиде шаклланиб, атроф- муҳитни, борлиқни, жамиятни қабул қилади. Биз она тилини қанчалик нозик ҳис этсак, шун- чалик миллий ўзига хос фа- зилатларимиз, расм-русум ва одатларимизни аниқ идрок қилаемиз.

Инсоннинг тилини билмас- дан туриб, унинг дилини били бўлмайди, деб бежиз ай- тилмайди. Тил — дил қалити.

Қадим замонлардаёқ Пифагор: «Ҳар қандай халқнинг маъна- виyatини билмоқчи бўлсанг, энг аввало, унинг тилини ўрганишга интил», деб айт- ганди. Халқимизда эса «Тил билган эл билади», деган нақл ҳам бор.

Маънавий қадриятларимиз тикланиб, асл тарихий илди- ларимизни теран ҳис қила бурганимиз сари кечагина миллатимизнинг бебаҳо қадри- яти бўлган она тилимизни ачинарли аҳволдан халос қилиш мақсадида мустиқиллик арафасида «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилингани беихтиёр ёдимизга тушади. Халқимиз тарихи- да биринчи бор ўзбек тили давлат тили мақомига эриш- ди. Мустиқилликни қўлга киритишимиз она тилимиз ра- нақиға катта туртки берди ва тилга бўлган муносабатни сиф- фат жиҳатдан янги поғонага кўтарди.

Республикамизда «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилинишини она тили- мизга нисбатан изчил давлат сиёсатининг биринчи босқичи деб ҳисобласак, «Лотин ёзу- вига асосланган ўзбек алиф- босини жорий этиш тўғриси- да»ги Қонуннинг ҳаётга тат- биқ этилишини бу сиёсатнинг узвий давоми деб тушуниш мумкин. Давлат тилини ра- нақ топтиришга қаратилган ушбу сай-ҳаракат республи- камизда маънавий соғлом жа- мият қурилаётганидан дало- лат беради. Дарҳақиқат, тил- нинг ривожини, унинг иқтисодий ҳаётда ишлатилиш доирасини кенгайтириш миллий ма- даниятни ривожлантиради.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши унинг мавқеини ошириб, қўлланчи доираси ва ривожига ижобий таъсир ўтказди. Бу борада бир қатор тадбирлар бажари- лди. Қонун ҳаётга татбиқ этиш бўйича ҳукумат комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, ҳали қили- ниши зарур бўлган ишлар ҳам талаягина. Хусусан, лотин ёзу- вига ўтиш тадбирлари амал- га оширилмоқдаки, улар яқин

қелажақда ўз самарасини бе- ришига, жумладан, бизни му- таракқий давлатлар билан тенглаштиришига умид боғ- лаймиз.

Мустиқиллик йилларида шаҳар ва қишлоқларимиз кўркам ва обод бўлиб, кун сайин чирой очиб бормоқда. Кўчалардаги турли хил ёзув- лар, пешлавҳалар, реклама ва эълонлар, ахборот материал- лари ва безаклар кишини ўзига жалб қилади. Афсуски, ушбу ёзув ва безаклар ора- сида киши дилини хира қила- диганлари ҳам учраб туриб- ди. Шаҳар ва туманлар, қиш- лоқлар ҳуснига соя солиб тур- ган бундай салбий ҳолатлар кўпгина ташқи безаклар, рек- лама ва пешлавҳалардаги ёзувларда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлардир.

Уларда турли хил нўрнин, хато ва ҳеч қандай маъно ан- глатмайдиган ҳолатлар кўзга ташланади. Реклама махсулот- ларининг аксарияти хорижий тилларда бўлгани учун чет эл махсулотлари ва хизматлари- нинг тарғиботи миллий маҳ- сулот ва хизматларга нисба- тан кўпроқ. Уларда асосан бошқа тиллардан сўзларни тўғридан-тўғри кўчириш, дав- лат тили қондаларининг бу- зиб ишлатилиши, имловий ва услубий хатоларга йўл қўйил- моқда. Шунингдек, республи- камиздаги айрим корхоналар, маъсасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида ўзбек адабий тилининг амал- даги илмий қондалари ва нор- маларига риоя этилмасдан, имловий хатоликларга ва папа-партишчиликка йўл қўйил- моқда. Шундай жамоаларда дав- лат тилининг амалдаги илмий қондалари ва нормаларига мослаштирилмаган ёки мос- лаштирилган бўлса ҳам ун- дан тўғри фойдаланилмайди.

Ўзбек тилидаги «Ғ», «к», «Ғ», «к» ҳарфларисиз расмий ҳуж- жатлар тайёрланмоқда, нати- жада сўзнинг маъносини, умуман матн мазмуни бузилмоқда.

Баъзи жойларда Амир Те-

Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ. 2007 йил 6 ноябрь кунин соат 11.00 да «Ўзбекистон Банклари ассоциацияси» биносиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулкларни қайтадан қўймоқда: Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан 2006 йил 12 сентябрдаги 10-0611/11268-сонли ижро ҳужжатиға асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Мухоммадов (Ҳамза) кўчаси, 2-й манзилида жойлашган «Toshqishloqtmash» ОАЖга тегишли, жами 3762 кв. м. дан ташқил топган фотоллаборатория бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 55 663 488 сўм 06 тийин.

Кино ишлаб чиқариш фаолияти билан шугулланувчи киностудиялар ва ташкилотлар диққатига! «Ўзбеккино» миллий агентлиги долзарб аҳамиятға эға мавзулар бўйича миллий фильмлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, юксак савиядаги кино ва видеофильмлар ишлаб чиқариш жараёнида соғлом ижодий рақобат муҳитини яратиш мақсадида ажратилган давлат маблағлари асосида бадий ва мультипликацион фильмлар яратиш юзасидан танлов эълон қилади. Танловда иштирок этиш истағидаги киностудия ва ташкилотлар «Ўзбеккино» Миллий агентлигига белгиланган шаклда ариза билан мурожаат этиши лозим.

«Хўжа Насриддиннинг Бухороға қайтиши» Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят давлат муסיқали драма театрида «Хўжа Насриддиннинг Бухороға қайтиши» асарининг премьериси бўлиб ўтди. Тақдимот Музаффар Турсунов қаламиға мансуб мазкур асар театрининг тажрибали режиссёри Бўрон Ақбаров томонидан саҳналаштирилди. Яқинлик ва эзуғлик тантанаси ёрқин лавҳаларда, енгил кулги воситасида кўрсатиб берилган драмада томошабин ўзига таниш Насриддин Афандининг янги қирраларини кашф этади. И. ИСТАМОВ.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигиде 001-рақам билан рўйхатға олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 956. 23333 нусхадда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Халқ сўзи»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 136-09-25 132-10-63 242-хона E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — М. Жонқошов. Навбатчи — З. Жонқошов. Мусахҳиҳ — Х. Тошхўжаев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 22.00. Тошпирилади — 23.20 23456